VII “ОСИЁ БОЛАЛАРИ” ХАЛҚАРО СПОРТ ЎЙИНЛАРИДА ВИЛОЯТИМИЗ ЁШ СПОРТЧИЛАРИ ҚЎЛГА КИРИТГАН МЕДАЛЛАР СОНИ 8 ТАГА ЕТДИ

Россия Федерациясининг Владивосток шаҳрида давом этаётган VII “Осиё болалари” халқаро спорт ўйинларида Ўзбекистон Миллий терма жамоаси сафида вилоятимиз спортчилари ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Вилоятимиз ёш спортчилари қўлга киритган медаллар сони 8 тага етди: 2 та олтин, 2 та кумуш, 4 та бронза.

Хусусан, дзюдо бўйича мусобақаларда Абдулазизхон Шарофиддинов (50 кг), қизлар ўртасида бокс бўйича баҳсларда Зилола Юсупова (50 кг) олтин медалларни қўлга киритишди.

Боксчи Абдуллоҳ Тоҳиров (63 кг) ҳамда боксчи қиз Хилолахон Машарипова (52 кг) кумуш медаллар соҳибига айландилар.

Енгил атлетика мусобақаларида Рухшона Муҳаммадинова (3000 метрга югуриш), Ислом Тилаболдиев (400 метрга югуриш) ва Асадбек Ҳалилжонов (800 метрга югуриш), бокс беллашувларида Рахмонжон Қодиров (80 кг) бронза медалларига сазовор бўлишди.

Маълумот ўрнида, 27 июлда 14-16 ёшли ўсмирлар ўртасида старт олган VII “Осиё болалари” халқаро ўйинлари 8 августда якунига етади. Мазкур мусобақада дунёнинг 15 та мамлакатидан 1650 нафар иштирокчи 273 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб боришмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-08-06 20:01:53